**ТАСДИКЛАЙМАН**

**Косонсой туман халк таълими булими**

**мудири С.Эргашев**

**7-декабр 2022 йил**

**БУЮРТМАЧИ:**

Наманган вилояти, Косонсой тумани, халк таълими булимига карашли мактаблардаги компьютер ва компьютер жихозларни жорий таъмирлаш буйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Косонсой туман -2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

Ушбу йурикнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Узбекистан Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Конунига асосан хамда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3 016-сон билан руйхатдан утказилган Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошкаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва утказиш тугрисидаги” тартиби асосида ишлаб чикилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Косонсой туман халк таълими булими томонидан Наманган вилояти, Косонсой тумани халк таълими булимига карашли мактаблардаги компьютер ва компьютер жихозларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун малакали мутахассисларга эга булган ташкилотлар жалб килинади.

1.2. Танловнинг охирги киймати 21 800 000,**00** ( Йигирма бир миллион саккиз юз минг) сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

**Ушбу танлов якунлари буйича Fолиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати - буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Косонсой туман халк таълими булими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили: 160300, Наманган вилоят, Косонсой тумани, Гулобод мфй, Меъмор куча кучаси, 101-уй

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси оркали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

-танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

-уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

-Низом маблаги микдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.5 Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хакида мурожаат килишга хаклидирлар.

**ТАСДИКЛАЙМАН**

**Косонсой туман халк таълими булими**

**мудири** **С.Эргашев**

**7-декабр 2022 йил**

Наманган вилояти, Косонсой тумани халк таълими булимига карашли мактабларда мавжуд булган компютер ва компьютер жихозларини жорий таъмирлаш буйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Бажариладиган иш | Косонсой туман халк таълими булимига карашли мактабларда мавжуд булган компютер ва компьютер жихозларини жорий таъмирлаш |
| 2 | Буюртмачи | Косонсой туман халк таълими булими |
| 3 | Бажарувчи | Танловдан сунг аникланади |
| 4 | Объектнпнг жойлашган манзили | Косонсой тумани, Гулбог мфй Меъмор кучаси 101уй |
| 5 | Иш бошланиши ва тугалланиши | 2022йил декабр ойида |
| 6 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат курсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш. |
| 7 | Хизматларни бажариш муддати | Шартнома тузилиб олдиндан тулов суммаси утказилган санадан бошлаб 15-кун мобайнида бажариш. |
| 8 | Алохида талаблар | Ишлар сифатли ва уз вактида бажарилиши шарт |
| 9 | Техника хавфсизлиги буйнча талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин. саноат ва техника хавфсизлиги коидаларнга тула риоя килиниши шарт. |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Бюджет маблаглари хисобидан |